### Республикамизда пушкинхонлик кунлари



# Теран томирлар

Замондошларининг ҳикоя қилишларига қараганда Пушкин ўлими олдидан қуйидаги сўзларни айтган: «Ижодий режаларим бениҳоя кўп, шулар орасида мен учун энг муҳими, юрагимга яқини болалар учун ёзмоқчи бўлган насрий асарларимдир. Мен бу асарларимда ўткир сюжетлар асосига қурилган саргузаштларни ҳикоя қилиб бермоқчиман».

Болалар адабиёти учун энг муҳими ва энг зарури ўткир сюжетлар асосига қурилган қаҳрамонлар образларини яратишдир. Шу маънода Пушкин ижодий анъаналарининг қардош республикалар болалар адабиётига кўрсатаётган таъсирини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, Пушкин эртакларининг услуб жиҳатдан оддийлиги, халқчиллиги, воқеаларнинг болалар савияси ва руҳига уйғунлиги бу асарларнинг бош фазилатидир. Шунинг учун ҳам шоирнинг «Шоҳ Салтан ҳақида эртак», «Олтин хўроз», «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак», «Поп ва унинг хизматкори Балда ҳақида эртак» каби асарлари болалар адабиётидан муҳим ўрин эгаллади.

80-йилларга келиб эса А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, Н. В. Гоголь, Т. Г. Шевченко, Ф. М. Достоевскийларнинг қардош республикалар болалар адабиёти ривожига кўрсатган таъсири адабиётшунослик ва танқидчиликнинг диққат марказига кўчди. Айниқса, буюк рус шоири Пушкиннинг миллий болалар адабиёти ривожига кўрсатган таъсири кенг ва атрофлича тадқиқ қилина бошланди. Сюжет ҳамоҳанглиги, ўхшаш мотивлар, миллий калорит, ритмика, шеърий ва насрий қурилиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Бу хусусиятлар пушкиншунослар М. Алексеев, С. Петров, В. Степанов, Д. М. Благой, И. Мотяшев ва бошқа олимларнинг ишларида ҳамда қардош республикаларда илмий тадқиқотлар олиб бораётган М. Нурмуҳамедов, Я. Османес, К. Тангриқулиев, Омонов, В. Николаев, В. Полозоваларнинг рисолаларида яққол кўзга ташланди.



**Сўлим оромгоҳ. Ям-яшил бу истироҳат боғида сайр қилиб дам олган ҳар бир ҳамшаҳримиз улуғ рус шоири А. С. Пушкинни хотирлайди. Зеро, бу хушманзара боғ шоир номи билан аталади.**

**Х. Мирзакаримов фотоси.**

Маълумки, ўзбек совет болалар адабиётининг шаклланиши ва ривожланишида Пушкин ижодини ўрганиш 20-йиллардан бошланган. Бу таъсирнинг илк намуналари ўша даврнинг таниқли ижодкорлари Шокир Сулаймон, Рафиқ Мўмин, Элбек, Ботуларнинг болалар учун ёзган асарларида яққол кўзга ташланади.

Улуғ Ватан уруши даврида яратилган бир қатор асарларда ҳам Пушкин ижодининг самарали таъсири сезилди. Ўзбек совет болалар адабиёти давр руҳи билан суғорилган қатор болаларбоп асарлар билан бойиди.

60—70 йилларга келиб яна ижодий анъаналардан фойдаланиш тенденцияси кучая борди. Бу жанрлардаги гибридланиш айниқса машҳур совет шоирлари С. Маршак, К. Чуковский, С. Михалковлар ижодларида яққол кўринди. Бу ҳодиса Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ», С. Жўранинг «Зангори гилам», Қ. Муҳаммадийнинг «Қўнғизой билан Сичқонбой», П. Мўминнинг «Алла билан Жалла», Қ. Ҳикматнинг «Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи қиссаси», «Чирчиқ фарзанди» каби қатор достонларида ҳам ўз ифодасини топди. Шу хилдаги асарларнинг пайдо бўлиши, айниқса, эртак, достонларнинг ёзилишида Пушкин ижодининг таъсирини унутиш мумкин эмас.

Пушкин асарларини ўқиб, ўзимга катта битмас хазина топганимни кейинчалик англадим, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Қ. Муҳаммадий. — Интернатда ўқиб юрган кезларим. бир куни тарбиячимиз Полина Андреевна Пушкиннинг «Петушок» шеърини ўқиб берди. Менинг жуда завқим ошиб кетди. Шу кундан бошлаб Пушкинни севиб қолдим. Кейинчалик унинг асарларини қўлдан қўймай ўқиб юрарканман, унга тақлид қилиб шеърлар ёзиб юрдим. Оригинал усулда ёзилган асарларим бунёдга келди. Пушкиннинг «Петушок» шеъри таъсирида «Хўрозим» деган шеъримни ёздим.

Қ. Муҳаммадий Пушкиндан ижобий қаҳрамон яратиш маҳоратини, айниқса, ўқувчини асар қаҳрамонларининг ички дунёсига бевосита олиб кириш маҳоратини тинмай ўрганди. Жумладан, унинг «Қўнғизой билан Сичқонбой» эртагида Пушкиннинг «Шоҳ Салтан ҳақида эртак» асарининг ижобий таъсири аниқ сезилади.

Пушкин ижодидаги сюжет яратиш ва қаҳрамон руҳий оламини чизиш маҳоратини Қ. Ҳикмат ижодида ҳам учратамиз. Бир қарашда Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асаридаги чол ва кампир образлари Қ. Ҳикматнинг «Кўмилган олтин, вайсақи хотин ва тадбиркор овчи ҳақида қисса»сидаги чол билан кампирга ўхшаб кетгандек бўлиб туюлади. Бироқ бундай эмас. Қаҳрамонлар талқинида ташқи ўхшашликлар бўлса ҳам, уларнинг руҳий олами бутунлай бошқа.

**Пушкинда:**
**Ўтган чоқда денгиз бўйида**
**Чол ва кампир**
**умр сурганди,**
**Ертўлада — эски уйида**
**Ўттиз уч йил**
**бирга турганди.**
**Чол тўр солиб**
**овларкан балиқ,**
**Кампир эса**
**йигирар урчуқ...**
**Қ. Ҳикматда:**
**Сирдарёдан олисда,**
**Чўпу хасдан бўлиб хор.**
**Чолу кампир яшаркан,**
**Кулбалари эски ғор.**
**Қашшоқликдан уларнинг,**
**Қовурғаси бўлган қоқ**
**Дерлар:**
**чолнинг кафтида,**
**Юрган доим ўқ камон.**
**Қишин ёзин ов излаб,**
**Жўнар экан кўп излаб.**

Ҳар иккала асарда ҳам чоллар оддий меҳнаткаш, очиқ кўнгилли, инсонпарвар. Кампирлари эса бироз жоҳил, раҳмсиз, қаттиққўл. Бу албатта эртакларбоп достонлар, сюжетлар учун муайян анъанадир. Аммо айни пайтда Пушкин асарида қадим рус мужиги ва унинг кампири, қашшоқ ҳаёт тасвири берилса, Қ. Ҳикмат эртагида ўзбек халқига хос урф-одатлар, яшаш тарзи, хуллас тасвирда миллий калорит аниқ кўзга ташланади.

Шуни айтиш керакки, Пушкин асарлари ўзбек совет ва умуман совет Шарқи болалар адабиётига самарали таъсир ўтказган бўлса, айни пайтда А. С. Пушкин ижоди ҳам Шарқ тематикаси, Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижодидан таъсирланган. Бу айниқса шоирнинг «Боқчасарой фонтани» асарида яққол сезилиб туради. Иккала асарда ҳам меҳнатсиз топилган бойлик кишига вафо қилмайди, деган дидактик хулоса бор.

Масалан, ўзбек халқ эртаги «Тоҳир ва Зуҳра»да сандиқ денгизда оқса, Пушкиннинг «Шоҳ Салтан ҳақида эртаги»да дарёда бочка оқади. Болалар учун ёзилган асарларда, жумладан, Қ. Ҳикматнинг «Чирчиқ фарзанди»да ҳам сувда бешик оқади.

Қисқа қилиб айтганда, адабий таъсир масаласи болалар адабиётшунослигида етарли даражада ўрганилган эмас. Бу масала катта илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Шу маънода буюк Пушкин асарлари тубсиз денгиз тагига яширинган гавҳардай турли хил ёшдаги китобхонларни ҳамиша ўзига мафтун қилади.

**Соҳиба ИРИСХЎЖАЕВА,**
**филология фанлари кандидати.**

---

**Омон МУХТОР**

# ТОШКЕНТДАН ОЛИСДА



## ҲИКОЯ

—11—

**Редакция ходими бу сафар мени илжайиб, аллақандай севиниб қарши олди. «Ёзганингиз чиқиб кетди. Газетани кўрмабсиз-да», — деди у ва эринмасдан куйманиб, бошқа хонадан бир нусха газета топиб келди. Менинг ёзганим «Севги» деган сарлавҳа қўйилиб, чиройли расмлар солинганча босилган эди. Мен бундан қандай ҳаяжонланганимни сўз билан ифодалаш қийин! Аммо бу ҳали ҳолва эди. Газетадан ташқари редакция ходими менинг қўлимга йўғон бир қоғоз папкани тутқазди: «Бу сизга келган хатлар. Уйга олиб бориб, бемалол ўқийверасиз!».**

**Мен ҳаяжон селида ғарқ бўлиб уйга қайтганда, қоғоз папкани очдим.**

**Биз баъзан газетани йиртиб, унга писта ҳам ўраб кетаверамиз. Шундай пайтларда газетанинг дунё бўйлаб тарқалиши-ю, газетада босилган сўз минглаб одамларни чайқалтириб юбориши мумкинлиги хаёлимизга ҳам келмайди!**

**Хатлар... Улар редакцияга яқин ва узоқ-узоқ жойлардан жўнатилган эди.**

—12—

**Инсон қалби бутун очиқ-сочиқлиги билан, яланғоч ҳолда ўз ифодасини топган, ҳаяжондан кўпчилиги чалкаш жумлалар, ҳарфий хатолар билан ёзилган бу дастхатларни ўша кунлари қайта-қайта ўқиганимдан, улардаги анча-мунча фикрлар менга ёд бўлиб қолган. Биринчи навбатда, Абдумажид исмли ўнлаб йигитлар, Фотима исмли ўнлаб қизлар ўз ҳаётлари, тақдирлари тўғрисида редакцияга ёзишган эди. Бу мактублар ўз сир-асрорини, қалбидаги жавоҳирни газетага ишониб топширишга ошиққан кишилар томонидан ёзилганди. «Мен «Севги» деган ҳикояни ўқиб, жуда қаттиқ таъсирландим, — деб ёзганди бир йигит. — Худди менинг бошимдан ўтган воқеа тасвирланибди. Лекин мен сизлар кўрсатган Абдумажидга ўхшаб бухоролик эмас, балки Фарғона водийсиданман. Мен билан дўст бўлган қиз ҳам бошқа ўлкадан эмас, ўзимизнинг Тошкентдан. Қолган ҳаммаси тўғри...» Газетада ҳар бир нарса бир марта босилишини билмаган ёки тан олгиси келмаган кишилардан мактублар ҳам кўп эди. Айримлар ҳикоя қайта босилишини оёқ тираб талаб қилишганди. «Мен Қизилқумда чўпонман, — деб ёзганди шулардан бири. — Газета кам келади, кутубхона йўқ. Бунинг устига, ўтган йили газетага ёзилмаган эканман. Бу йил обуна бўлдим, илтимос, ўтган йилги «Севги» деган мақолани қайтиб босинглар. Райондан келган бир одам гапириб берди, жуда ҳам қизиқиб қолдим...». «Биз шу хатни ёзиб, почтага ташлаган кундан бошлаб, газетани мунтазам кўриб борамиз, — деб ёзишганди бошқа бир гуруҳ кишилар. — Биз олдинги чиққанини қидириб, тополмадик. Кўзимиз тўрт бўлиб, интизорлик билан талабимизни бажаришларингизни ку-**

—13—

**тамиз!». Абдумажид билан Фотиманинг бир-бирларини йўқотиб қўйишганидан ўкиниб-норозиланган кишилардан ҳам мактублар бор эди. «Абдумажид ака билан Фотима опанинг қайтиб учрашишларига тилакдошмиз!» — деб ёзишганди булардан бир қисми. «Йигит билан қиз танишгач, бир-бирларидан адрес олмай, катта хато қилишган!» — деб ёзишганди бошқа бирлари. Учинчи гуруҳ кишилар: «Бу воқеанинг давоми бўлишши керак-ку! Давомини ҳам, албатта, босинглар!» — деган тилакни билдиришганди. Мана, шу кейингилар орасида бир мактуб, айниқса, эътибор билан ёзилган, таъсирли... ва энг муҳими Зулайҳога тегишли эди...**

**Чинозлик Суратали Муқимов деган киши ёзганди бу мактубни.**

**«Мен Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, биринчи группа инвалидиман, — деб ёзганди у. — Сўнгги йилларда кўзим ногирон бўлиб қолган. Болаларим менга газета ўқиб туришади, яқинда босилган хабар, яъни, бухоролик педагог Абдумажид, кавказлик инженер қиз Фотима ўртасидаги учрашув мени тўлқинлантириб юборди, болаларимга айтиб турдим, шу хатни ёзишди... Мен хабарни аввалига завқланиб эшитдим. Аммо уларнинг тез орада айрилиб кетиши мени ўйлантириб қўйди, кўнглим таскин топмади. Сизларга қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни лозим топдим.**

—14—

**1. Бухоролик педагог Абдумажид бир ойлик муҳлат билан Кавказга командировка қилинсин ёки Фотима Бухоро шаҳрида қурилаётган ип-газлама комбинатига партия, комсомол, профсоюз ташкилоти йўлланмаси билан инженер сифатида келтирилиб, иккаласини учраштирилсин.. Улар қариган, сочлари оқарган, юзларини ажин босган бўлса ҳамки, майли, уларни учраштириб, кўпчилик ҳаяжонланадиган бир учрашув ўтказилсин!**

**2. Кавказ ёки Бухородаги бу мулоқот хабарнинг иккинчи қисми бўлиб, давом эттказилди, деган мазмунда, газетада босилсин!**

**Бизни ҳаяжонга солиб қўйган воқеа шундай якунланса, айни муддао бўлади. Энди ўз бошимдан ўтган ҳақиқатни айтиб берай... 1941 йили уруш бошланганида, мен ҳарбий чегарачи, 130-қисмда хизмат қилардим. Политрук эдим. Ашаддий жанг борарди. 26 июнь куни Украинадаги Хмельницкий областида қаттиқ яраландим. Мен ва менга ўхшаган ярадорларни тезлик билан госпиталга юборишди. Чернигов область, Прикули шаҳрига ўшанда госпиталь Киевдан эвакуация қилинган эди. Мана шу госпиталда ишлаётган ёш врач аёл — Зулайҳо, хивичдеккина жувон, у ерга етиб борганимизда, мени вагондан азот кўтариб, аравага ётқизди. Аравада, ёнимда ўтириб, госпиталга олиб келди.**

**Кейин, дарвозадан палатага яна кўта-**

—15—

**риб олиб кирди. Тузалгунимча менга унинг кўрсатган меҳрибонликларини унутиб бўлмайди. Аммо мен тузалгач, 28 июль куни, госпиталь билан хайрлашдим, ноилож Зулайҳодан ҳам ажралдим. Октябрь ойидан Брянск фронтида яна жанг қилдим. 1942 йил апрель ойида эса Сталинградга келиб, шаҳардаги кескин олишувларда қатнашдим. Бу ерда иккинчи марта яраландим, тўғрироғи, мажруҳ бўлиб қолдим. Мени даволаб, ўз она ерим Тошкентга жўнатишди... Йиллар ўта бошлади. Агроном бўлиб ишладим. Зулайҳони суриштирмаган, қидирмаган жойим қолмади. Аммо тақдир ғалати экан... 1954 йил сентябрида хизмат жойидан йўлланма билан Тошкент этагидаги Қибрайда бўлган дам олиш уйига бордим. Тасаввурга сиғмайди, не кўз билан кўрайки, Зулайҳо пинжимда—мана шу дам олиш уйида қабул қилувчи врач бўлиб ишлаётган экан, кириб келган соатимда иккимиз юзлашиб қолсак, нима дейсиз! Бизнинг бу учрашувимиз қандай бўлганини кўрганингизда эди!.. Иккимиз ҳам қотиб қолибмиз, иккимизнинг ҳам кўзларимизда жиққа ёш... Кейин, дам олиш уйида бизнинг мулоқотимизга бағишлаб байрам бўлиб кетди... Мен айтмоқчиманки, сизлар ёзган воқеа ҳам шундай тугаса, ёмон бўлмас эди!»**

**Соҳилда учраган жувоннинг исми туфайли шу — ҳаётнинг ўзи сингари сатрла-**

—16—

**ри нотекис достон бошдан оёқ менинг хотирамда жонланди. Юрагим аллақандай ёруғ туйғуларга тўлди.**

**Шаҳарчани айланишга кетган ошналарим эса, роппа-роса уч соатда қайтиб келишди.**

**— Сизни анча қийнаб қўйдик, дўстим!— деди Асқар хижолат чекиб, мени елкамдан беозор қучганича. Кейин, қулоғимга секин шипшиди: — Аёлларнинг магазин айланишини биласиз-ку...**

**Зулайҳо боладек мамнун, бахтиёр, Асқар ҳам хурсанд эди. Улар харид қилган нарсаларни ҳам қайиққа жойлашиб, энди соҳилдан кетишга тайёргарлик кўра бошлашди. Менинг назаримда, булар худди денгизда яшаб, қуруқликка шунчаки айлангани келган, яна денгиз қаърида ғойиб бўладигандек эди.**

**— Биз денгиз ёқалаб бир ойлик сафарга чиққанмиз. Айрим ерларда тўхтаб, баъзиларида тўхтамай кетаверамиз... Сафаримиз қаригунича шунақа! — деди кулиб Асқар, менинг кўнглимдан кечган саволга гўёки жавоб бергандек алфозда.**

**Қайиқ ўрнидан жилди.**

**Ошналарим қўл силкишиб, менга сўнгги бор табассум ҳадя этишди.**

**Мен ўзимни кўнглим яна бўм-бўш бўлиб қолгандек ҳис этдим.**

**Қайиқ дам сайин узоқлашиб, кичрайиб, кўздан йўқола бошлади.**

**У олисда парда тортиб турган булут эмас, менинг хотирамга чўкаётганга ўхшарди...**

**(Охири. Боши газетанинг ўтган сонида).**

---

# Тамарахонимнинг биринчи афишаси

**Қадимий Ўзбекистон замида яна бир маданият даргоҳи ўз эшикларини очди. Унга археологларнинг дахли бўлмаса-да, «қидиришлар» давлат ва хусусий архивлар, шахсий коллекциячиларнинг манбаалари, газета тахламлари ва кўҳна китобларнинг саҳифаларида олиб борилди.**

Кўплаб томошабинлар кўз ўнгида ижоди фақатгина миллий маънавий бойликнигина эмас, умуминсоний маънавий бойликни ҳам бойитган беназир халқ талантининг тақдири намоён бўлди. Гап республикада Тамарахоним музей-квартирасининг ташкил этилиши ҳақида бормоқда.

Петросян — унинг ҳақиқий фамилияси. Кўпчилик буни яхши билмаса керак. Совет Иттифоқи халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреатининг ижодий тахаллуси изоҳларга муҳтож эмас.

Аммо бу кекса ва ўрта ёш авлод учун. Ёшлар учунчи?

Унинг саҳнадаги номи Тамарахоним бўлиб кетишига шу камтаргина сарғайиб кетган афиша сабаб бўлганди. Бу маромнома санъаткорнинг Октябрь тонгида Москвадаги дебютлари ҳақида хабар берган эди. Бу афишани тайёрлаётиб, ёшгина ўзбек хонандаси ва раққосасини қандай номлашни билишмаганди. Парда ортида эса Шарқда хотин-қизларга нисбатан ҳурмат рамзида айтиладиган «хоним» сўзи тез-тез эшитилиб турарди. Худди мана шу сўзни концерт ҳақидаги эълонга қизил ҳарфлар билан ёзиб қўйдилар. Шундан буён Тамарахоним ўзбек тупроғида янги дунё яратаётганлар сафидадир.

Экспозицияларда чачвон ва паранжилар. Улар имитация ҳам, кейин тайёрланган нусхалар ҳам эмас. Улар, Ўрта Осиё хотин-қизларини феодал-хонлик ва диний ахлоқ исканжаларидан озод этиш кампанияси — «Ҳужум» ҳақидаги хотиралардир.

«Сиз жасорат кўрсатдингиз,— деган эди Алексей Толстой Тамарахонимга мурожаат қилиб.— Ўз ортингиздан Ўзбекистоннинг озод хотин-қизлари армиясини эргаштирдингиз ва совет санъатини Ватандан узоқларга олиб чиқдингиз».

Дастлаб Парижда, 1925 йили умумжаҳон манзара санъати кўргазмасида Луначарское сўзлари билан айтганда «биринчи шарқ қалдирғочи» халқимизнинг умумий маънавий парвозини ифода этганди. Сўнгра бошқа мамлакатлар ва турли қитъалардаги гастроллар. Тамарахоним жаҳоннинг бир қанча мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқди. Бунга унинг уйидаги икки ярим шар харитасигина эмас, унда байроқчалар қалин из қолдирган артистлик маршрутлари: Афғонистон, Индонезия, Покистон, Монголия, Хитой, Ҳиндистон нуқталари ҳам гувоҳлик бериб турибди. Унинг планета томошабинлари ва тингловчилари билан бўлган сон-саноқсиз учрашувлари фотосуратларда муҳрланган. Бу суратларда оддий меҳнатчидан тортиб, рассомларгача, давлат арбобларигача бор. Улар Чарли Чаплин, Раж Капур, Пикассо, Жамол Абдул Носир, Маршал Чойбалсан. Музейда фақатгина унинг концерт программаларига билдирилган акс садоларгина эмас, деярли барча жаҳон тиллардаги рецензиялар ҳам сақланмоқда. Шунингдек, машҳур ўзбек хонандаси ва раққосасининг бой репертуарига ижодидан намуна кирган халқларнинг кийимлари ҳам намойиш этиляпти. Улар 200 дан ортиқ.

«Сизнинг концертларингиз — тинчлик, коммунизм ғояларининг тантанасидир», — деган эди Тамарахоним санъатининг тарғибий миссияси ҳақида Дмитрий Шостакович.

Бир пайтлар Горький совет даврининг таниқли кишилари «кабинет мемуарлари» яратилишига жонкуярлик қилган эди. Менимча, Ўзбекистон Маданият министрлиги ва Театр жамиятининг бу ташаббуси улуғ совет ёзувчисининг хайрли даъватига жавоб берувчи катта маънавий воқеадир.

**Р. АРСЕНЬЕВ.**
**Тошкент шаҳри.**

**(«Правда»нинг 1986 йил 8 июнь сонидан).**

---

# Ишчилар саломатлиги йўлида

Кейинги йилларда «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида медицина хизмати кўрсатиш янада яхшиланди. Корхона медицина-санитария қисми шифокорларининг тадбиркорлик билан иш юритишлари туфайли даволашнинг турли илғор усул ва методлари жорий қилинди.

Шифобахш марказ ихтиёрида тўртта завод соғломлаштириш пункти ҳам ишлаб турибди. Улар орқали тракторсозлар сиҳат-саломатлигини яна ҳам мустаҳкамлаш бўйича муолажалар олиб борилмоқда.

Лаборатория мутахассислари эса даволашнинг турли усуллари юзасидан самарали кузатишлар олиб боришмоқда. Шифохонада электрокардиограмма ўтказишни тезлаштириш ва сифатли кўрсаткичга эришиш мақсадида кўрилган тадбирлар ҳам яхши натижалар берди. Бунда медицина-санитария қисмининг шаҳар «тез ёрдам» станцияси билан тузган шартномаси айниқса қўл келди. Ана шу келишувга биноан корхона шифохонасидан электрокардиограмма натижаси телефон орқали станцияга маълум қилинса бас, унинг атрофлича изоҳи зудлик билан тайёрлаб берилади. Бу тадбир диагностика ишларини намунали йўлга қўйишда ҳам ижобий роль ўйнади.

Даволаш, соғломлаштириш, хасталикни олдиндан маълум қилиш жараёни ҳам маълум системага солинди. Бунинг учун тўпланган медицина ҳужжатларини қайта синчиклаб кўриб, расмийлаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунда «ақл»ли машиналар шифокорга яқиндан ёрдам беради. Шу мақсадда шифохонада завод мутахассислари билан биргаликда «Диспансеризация» программасини тайёрлашга киришилди.



**Ўсимликлар оламида табиатнинг бебаҳо бойликлари бор, уларни заргар зеҳн-идроки билан текшириб ажойиб моддалар олаётган химик-физик олимларимизнинг кашфиётлари диққатга сазовордир. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари химияси институтида турли зараркунандаларга қарши препаратлар яратиляпти, ўсимликлардан доривор моддалар ажратиб олинаяпти.**

**Суратда: (чапдан) физика фанлари кандидати Н. Абдуллаев ва химия фанлари доктори М. Ягудаев физик тадқиқотлар методикаси лабораториясида тажриба ўтказишмоқда.**

**В. Сироткин фотоси.**

---

**Жасорат жойи—Афғонистон**

# Сўнгги ўқ қолгунча

**Катта лейтенант Песков командирлик қилаётган рота десантчилари ҳозиргина гранаталарнинг портлаши ва ўқ овози эшитилиб турган жойга ёриб ўтишганида ўзларининг ўртоғи ерда ётганини кўрдилар. Игорь Чмуров ҳаракатсиз эди. Сал нарироқда душманларнинг жасадлари ётарди...**



Ўша куни Москва яқинидаги Одинцово шаҳрида яшовчи Александра Марковна Чмурова ишдан уйига қайтиб, ҳамиша бўлгани каби умид билан почта қутисини очди ва ўғлининг конвертга учбурчак штемпель қўйилган хатини олди.

«Ассалому алайкум, азиз онажоним ва дадажоним! Ўғлингиз Игордан кўпдан-кўп салом ва энг эзгу тилакларни қабул қилгайсизлар. Бугун жанговар топшириқдан қайтиб келдим. Эрта-индин яна тоққа жўнаймиз. Шу сабабли анчадан бери хат-хабар йўқ деб хавотир олмаслигингиз учун ҳозир хат ёзишга қарор бердим. Хизматим жуда соз ўтмоқда. Соппа-соғман, кайфиятим яхши: ярим йилдан кейин уйга қайтаман».

Ота-она ҳар замонда бир келадиган бу хатларни авайлаб асрашади. Икки йил хизмат мобайнида ҳаммаси бўлиб 21 та хат келибди. Уларнинг бари бир хилда бошланади: хатларда баъзан ҳаваскорлар олган фотосуратлар келади. Бу суратларда Игорь дўстлари билан, Афғонистондаги совет қўшинларининг чекланган қисмлари составидан ўзига ўхшаш жангчилар билан бирга тушган.

Бизнинг илтимосимиз билан Александра Марковна Игорнинг болалик йиллари тўғрисида сўзлаб берди. Онанинг кўзларида эса? «Бирон корҳол рўй бердими? — деган саволни ўқиш мумкин эди.

У солдат бўлгандан кейин ҳам шундайлигича қолди. Лекин унинг оққўнгиллигида, қолаверса Афғонистондаги барча совет жангчиларида ҳам янги фазилат пайдо бўлди: жангларда қатнашиш уни шафқатсизлантирмади, ўзгалар кулфатига нисбатан тошбағир инсонга айлантирмади, балки аксинча, жамики эзгу нарсаларни ҳимоя қилиш зарурлигини англашга мажбур этди. Ваҳший босмачилар ўзларидан кейин хотин-қизлар, болалар, қарияларнинг тилка-пора қилинган жасадларини қолдиришади. Игорь каби йигитлар афғон дўстларга Апрель революцияси ғалабаларини пухта ҳимоя қилишда ёрдам бермоқдалар.

...1985 йилнинг августида пулемётчи Чмуров ҳам составида бўлган дозор босмачилар тўдаси ҳаракат қилаётган районда эди. Босмачилар ўзларини тиланчи гадойлар қилиб кўрсатиб, уйма-уй юришар, садақа сўрашарди. Сўнгра эса бу жодугарлар сўнгги нонини баҳам кўрган кишиларни шафқатсиз ўлдирардилар. Совет жангчилари қишлоқда босмачилар борлигини фаҳмлашарди. Ҳақиқатан ҳам шундай экан. Пулемётдан отилган ўқлар тунги сукунатни бузиб юборди. Игорь чаққонлик билан жавоб ўти очиб, дозорнинг талафотсиз чекинишига имкон берди.

1985 йилнинг сентябрида душманлар автомобиль колоннасини ўққа тутдилар. Улар ўлжани осонгина қўлга киритамиз деб ўйлашганди. Чучварани хом санашибди. Чмуров пулемётдан мерганлик билан ўқ узиб уларни ётиб олишга мажбур қилди ва асосий кучлар етиб келгунча яқинлашишга йўл қўймади. Жангдаги матонати учун Игорь «Жанговар хизматлари учун» медали билан мукофотланди. Аммо бундан уйдагиларнинг биронтаси ҳам хабар топмаган эди, албатта.

14 декабрда содир бўлган воқеани ҳам у хатида айтгани йўқ. Воқеа эса бундай бўлган эди.

...Катта лейтенант Александр Песков командир бўлган десантчилар ротаси исёнчилар таянч база қуриб олган дарани тўсиб қўйди. Исёнчилар қор ёғиши ва туман тушишидан фойдаланиб совет жангчиларини қулай позициядан уриб чиқармоқчи бўлдилар. Жанг бошланиб кетди. Шу жанг давомида душманларнинг катта кучлари қўшни рота позицияларига ҳужум қилдилар. Қалтис вазият вужудга келди. Песков тепаликда пана қилувчи группани қолдириб икки взвод билан қўшниларга ёрдам беришга ошиқди. Чмуров ҳам пана қилувчи группада эди. Душманлар группанинг кам сонли эканлигини пайқаб қолиб, тепаликни ишғол этишга уриниб кўрдилар. Аммо пулемётдан тикка отилган ўқлар уларни яна орқага улоқтириб ташлади. Шундан кейин душманлар ўқ ва снарядларнинг ҳаммасини таслим бўлмайдиган ўт очиш нуқтасига қаратдилар. Пулемёт бир неча секунд жим бўлиб қолди. Лекин душманлар яқинроқ чиқиб келишганида Чмуров уларга гранаталар улоқтириб, яна пулемётдан ўт очди.

Катта лейтенант Песков ротаси билан жанг бўлаётган жойга вақтида етиб келди.

Сўнгра солдат медицина батальонига тушди, врачлар унинг соғлиғи учун курашдилар. Уйга хатлар ҳам ёзиб турилди. «Сизлардан бир йўла учта хат олдим — яхши хабар учун раҳмат. Бугун, 28 мартда СССР Мудофаа министрининг хизмат муддатини ўтаб бўлган жангчиларни запасга бўшатиш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттиришди. Демак, тез орада дийдор кўришамиз. Мени партияга қабул қилишди. Ваъда қилганимдек, ўзимнинг солдатлик бурчимни ҳалол бажардим, энди мен кичик сержантман. Офицер бўламан деб қатъий қарор бердим. Рязандаги ҳаво-десант командирлари олий ўқув юртига кираман. Игорь».

Хизматни тамомлагандан кейин Игорь Чмуров ваъдасига биноан уйга эмас, ўқув юртига жўнаб кетди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармони ҳам у шу ерга келганда чиқди. Фармонда Апрель революциясини ҳимоя қилиш ишида афғон халқига интернационал ёрдам бериш чоғида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун кичик сержант Игорь Владимирович Чмуров Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлиги ҳамда унга Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали берилиши айтилган эди.

**В. ИТКИН,**
**О. МОСКОВСКИЙ,**

**ТАСС махсус мухбирлари.**
**Кобул—Одинцово.**

